

---

## Саноат корхоналари фаолияти ўрганилмоқда

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Султанов, туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи И. Мирзараҳмонов ва ишчи гуруҳи аъзолари томонидан тумандаги саноат корхоналарининг фаолиятлари ўрганилди. Карантин тартибига риоя этилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек фаолият билан боғлиқ муаммолар ўрганилиб, ҳал этиш чоралари кўрилди.

Саноат корхоналари ишчиларининг иш жойларига кириш ва чиқишлари қатъий назоратга олинган. киришда уларнинг тана ҳароратлари ўлчанмоқда ва ҳимоя воситалари билан таъминланмоқда.

2020-04-16 18:55:56